Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

Бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари хисобланади:

- тасарруфидаги худудда соғлиқни сақлаш сохасидаги Давлат сиёсатини амалга ошириш;

- фуқаролар саломатлигини мухофаза қилиш сохасидаги қонунчиликнинг бажарилишини таъминлаш;

- аҳолига тиббий ёрдамни ташкил қилиш, тасарруфидаги худудда Оналик ва болаликни мухофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш;

- тасарруфидаги Даволаш профилактика муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, улар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати, бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш;

- профилактик соғликни сақлашни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш;

- тасарруфидаги худудда соғлиқни сақлашни Бошқаришнинг барча даражаларида ахолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил қилиш ва мустахкамлаш;

- Бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, мақсадли дасатурларни амалга ошириш асосида соғлиқни сақлаш тизимини ислохни таъминлаш;

- Соғлиқни сақлашни техника билан қайта жихозлаш ва унинг моддий базасини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш, ташхис қўйишга беморларни даволаш ва соғломлаштиришга замонавий технологиялар ва техника воситаларини жорий этиш;

- Фан-техника ва илғор тажриба ютуқларини тиббиёт амалиётига жорий қилиш;

- Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини тайёрлаш хамда уларни касбий даражасини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- Хусусий соғлиқни сақлаш тизимларини фаолиятини ривожлантиришга ва ташкил қилишга кўмаклашиш;

- хорижий инвестицияларни, халқаро ташкилотлар, жамғармалар ва жамоат ташкилотлари маблағларини соғлиқни сақлаш тизимига жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

Соғлиқни сақлаш Бошқармасининг функциялари.

Соғлиқни сақлаш Бошқармаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ Қуйидаги асосий функцияларни амалга оширади:

- тасарруфидаги худудда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, уларни амалга оширишда, Давлат жамоат тузилмаларини ўзаро хамкорлигини таъминлайди;

-□□□□□аҳолига дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил□қилади, ундан барчанинг бахраманд бўлишини таъминлайди, тиббий ҳизматлар кўрсатиш сифатини, тиббий санитария стандартларига риоя қилинишини назорат қилади;

-□□□мунтазам назоратдаги беморлар контингентининг тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлайди;

-□□□□касалланиш профилактикасини такомиллаштириш ва ахолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш чора-тадбирларини қуради;

тасарруфидаги бутун худудда ахолига фавқулодда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлайди;